

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:681.3.517.41+631

ТОШПЎЛАТОВ ДИЛШОДБЕК ШЕРМУҲАММЕДОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ  
АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари»  
ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2006

672.15.7 (0433)

Т 71

Диссертация Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институтида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Беркинов Бозорбой Беркинович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Алимов Қахрамон Алимович**  
иқтисод фанлари номзоди  
**Жиянов Эсанбой Шакарович**

**Етакчи ташкилот:** ЎзР Фанлар Академияси Замонавий ахборотлар технологияси илмий-техникавий марказининг  
Информатика институти

Диссертация ҳимояси 2006 йил «25» май соат 10 да Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзилгоҳ: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49 уй

Диссертация иши билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2006 йил «24» май да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котибаси,  
иқтисод фанлари доктори, профессор М.С.Қосимова **М.С.Қосимова**

## 1. Диссертациянинг умумий тавсифи

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда Президент И.А.Каримов томонидан асосланган тамойиллар асосида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигида хусусий мулк шаклидаги турли тоифадаги корхоналар барпо этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ана шу корхоналарнинг аксариятида ишлаб чиқариш самарадорлиги паст даражада қолмоқда, уларнинг бозор муносабатларига мослашув жараёнлари суст бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг асосланган бошқарув қарорлари қабул қилишлари учун зарурий бўлган турли хил ташқи ва ички ахборотларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ва бутун агросаноат корхоналарига ахборот-маслаҳат хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғи ва хўжалик ички ахборот таъминоти тизимлари ривожланмаган. Шуларни ҳисобга олганда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаруви учун замонавий ахборот технологиялари негизида ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг автоматлаштирилган тизимларини барпо этиш ва уларни ишлатишнинг илмий-услубий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиш иқтисодиётимизнинг муҳим долзарб муаммолари қаторига киради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий ахборот технологиялари ҳамда иқтисодиёт соҳаларида ахборот таъминоти тизимларини яратиш муаммолари кўплаб хориж ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Иқтисодий информатиканинг назарий ва амалий асослари, иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш, маълумотлар базасини лойиҳалаш, ахборот индустриясини ташкил этиш ва хизматлари кўрсатишнинг назарий асослари, илмий-услубий муаммолари В.В.Евдокимов, М.Р.Коголавский, С.В.Сивиряченко, В.Л.Тамбовцев, Э.Н.Хотяшов, О.Н.Чирченко, С.С.Фулотов, Б.Ю.Ходиев, А.Т.Шермухаммедов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва асосланган. Ўзбекистон иқтисодиёти соҳаларида ахборот технологияларини қўллаш услублари, ахборот тизимларини яратиш усуллари ва уларни техник таъминоти муаммолари В.Қ.Қобулов, А.А.Абдугоффоров, Р.Х.Алимов, Қ.А.Алимов, А.М.Абдувоҳидов, Б.А.Бегалов, Х.С.Лутфуллаев, Н.М.Мирзаев ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган ва ишлаб чиқилган.

Агросаноат мажмуини шу жумладан қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини ахборотлаштириш ва моделлаштириш муаммолари А.У.Абдураҳимов, Б.Б.Беркинов, С.А.Ортиқова, Д.Т.Мухаммадиева ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва улар моделлари ишлаб чиқилган.

Шу билан бир қаторда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ва у билан ўзаро боғлиқ саноат корхоналарини ахборот билан таъминлаш ва ички бошқарувни автоматлаштирилган тизимини

яратишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар етарли эмас. Айниқса фаолият кўрсатаётган корхоналар бошқарувини ахборот тизимининг функционал таркибини асослаш, хўжалик аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини амалда юритиш билан боғлиқ жараёнлар алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш тизими мутахассисларининг автоматлаштирилган иш жойларининг дастурий воситаларини яратиш бўйича ишланмалар деярли йўқ. Ана шу изоҳланган ҳолатлар ушбу тадқиқот мақсади ва унинг вазифалари доирасини белгилаб берди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Андихон қишлоқ хўжалик институти «Олий математика ва ахборот технологиялари» кафедрасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар режасига киритилган.

**Тадқиқот мақсади.** Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарувининг ахборот таъминоти тизимини яратишнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, унинг функционал таркиби ҳамда дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва синаб кўришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

- бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш тизимларини яратишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини тадқиқ этиш;
- замонавий ахборот технологиялари негизида қишлоқ хўжалигига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш тузилмалари таркибини асослаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарувини автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал таркибини асослаш;
- ахборот-маслаҳат тизими бўғинларида бошқарув функциялари ва вазифаларини синфларга ажратиш ва моделлаштириш йўналишларини асослаш;
- хўжаликлар ахборот тизимининг услубий асослари, алгоритмлари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва улар самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги.** Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарини кўп поғонали ахборот таъминоти тизимини ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассисларини автоматлаштирилган иш жойларини яратишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ва у билан ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган агросаноат корхоналарига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш муаммосининг моҳияти очиб берилган ва унинг асосий шакллари асосланган;
- замонавий ахборот технологиялари негизида қишлоқ хўжалигида бошқариш жараёнларини автоматлаштириш йўналишлари аниқланган ва тамоийллари асосланган;

- қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш тузилмаларини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг ахборот таъминоти асослари ишлаб чиқилган;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришнинг ахборот таъминоти тизимини ва мутахассисларни автоматлаштирилган иш жойларини яратишнинг функционал таркиби ва услуби асосланган;
- хўжалик муассислари (аъзолари) мулк улушларини ҳисоблаш, дивидендлар тақсимлаш, фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини юритиш жараёнлари алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда асосланган илмий-услубий тавсия ва ишланмалар қишлоқ хўжалиги бошқарувини ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатишнинг ҳудудий ҳамда ички хўжалик тузилмаларини ва улар мутахассисларининг автоматлаштирилган иш жойларини яратиш концепциялари ва амалий лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини юритиш тизими ва уни ахборот жараёнларининг компьютер дастурий воситалари фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятида жорий этилиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот таъминоти тизимини яратишнинг услубий тавсиялари, мулк улушларини ҳисоблаш ва дивидендларни тақсимлаш, фермер хўжаликлари харажатларини мониторинг қилиш усуллари, алгоритмлари ва дастурий воситалари Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида (маълумотнома №03-105, 10.03.05 й.), Балиқчи тумани «Пахтакор» хўжалигида (маълумотнома №22, 2.03.05 й.) амалиётга жорий этиш учун ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институтида (маълумотнома №950-01-01, 20.02.06 й.) таълим жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синондан ўтиши.** Тадқиқотнинг асосий натижалари «Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари» Республика илмий конференциясида (Тошкент, 2002 й.), «Шестнадцатые международные Плехановские чтения» илмий конференциясида (Москва, 2003 й.), «Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган машина қисмларини тиклаш ва чидамлилигини ошириш» Республика илмий-техник конференциясида (Андижон, 2003 й.), «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» Халқаро илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2004 й.), «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар» Республика илмий-амалий анжуманида (Андижон, 2005 й.) ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институти «Олий математика ва ахборот технологиялари», Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Ахборотлар технологияси» кафедраларида муҳокама этилган.

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Муаммоли-мувофиқлаштириш кенгашида, Наманган Мухандислик-иқтисодиёт институти ва Тошкент ирригация ва мелиорация институти илмий семинарларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича муаллиф томонидан 4 та мақола ва 7 та маъруза тезислари чоп этилган, шулардан 3 таси ОАК тасдиқлаган журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми жами 133 бетдан, шундан 7 та жадвал, 17 та расм ва 93 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари изоҳланган, тадқиқот объекти, предмети ва унинг услубий асослари танланган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқаруви ахборот таъминоти тизимини яратишнинг илмий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуига кирувчи, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишни ташкил этишнинг зарурияти, ўзига хос хусусиятлари, автоматлаштирилган ахборот таъминоти тизимларини яратишнинг илмий-услубий асослари тадқиқ этилган. Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарувини ахборот таъминоти тизимини яратишнинг услубий асослари, функционал таркиби ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқаруви ахборот тизимининг функционал таркиби ва вазифаларини асослаш» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият кўрсатишининг институционал асослари, бошқарув модели ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда янги ахборот технологияларини қўллаш йўналишлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг автоматлаштирилган иш жойлари негизида хўжалик бошқаруви ахборот тизимини яратиш ва ундан фойдаланишнинг услубий асослари ишлаб чиқилган. Ахборот тизими функциялари ва мутахассислари вазифалари бошқарув поғоналари бўйича синфларга ажратилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик корхоналари ахборот таъминоти тизими алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида кооперация тамойилларига асосланган хўжаликларда мулк улушларини ҳисоблаш, дивидендлар тақсимлаш алгоритмлари, фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини юритишнинг услубий асослари, алгоритмлари, компьютер дастурлари ишлаб чиқилган ва уларни амалаётда синаб кўриш натижалари таҳлил қилинган ва жорий этиш бўйича тавсиялар берилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари, хулоса ва тақлифлар келтирилган.

## 2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида аграр соҳада турли тоифадаги қишлоқ хўжалик корхоналари, яъни мулкчиликка асосланган кооператив, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди. Шу билан бир вақтда йирик қишлоқ хўжалик корхоналари майдаланиш жараёнилари давом этмоқда. Булар ўз навбатида аввал мавжуд бўлган хўжалик алоқаларини, ишлаб чиқариш муносабатлари инфратузилмаларининг, шу жумладан ахборот таъминоти тизимини ҳам бузилишига олиб келмоқда. Шундай шароитда янги ахборот тизими хўжалик алоқаларини тикласа ва мустақамласагина мураккаб ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан қараганда янги тизимни яратишнинг қишлоқ хўжалиги учун мос бўлган концепциясига эга бўлиш керак. Ислохотларгача бўлган даврда ахборот тизимларини ишлаб чиқиш муаммоларини ечиш борасида тўпланган тажрибалар албатта бунда қўл келиши мумкин.

Марказлаштирилган режали иқтисодиёт даврида қишлоқ хўжалигига зарурий бўлган ишлаб чиқариш, янги технологиялар, инновациялар, жаҳон тажрибалари тўғрисидаги ахборотларни етказиб бериш тизими билан қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилмаган. Аслида қишлоқ хўжалигини ахборот таъминоти ахборотларни йиғиш, уни узатиш билан банд бўлган ташкилотлар ҳамда илмий тадқиқот институтларининг вазифалари қаторига кирган, ахборотларни етказиб бериш, ишланмаларни жорий этиш эса кўпроқ моддий рағбат ва масъулиятликка эмас, балки кўпроқ маънавий масъулликка асосланган.

Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалиги ахборот таъминоти соҳасида маълум бир тажрибалар тўпланган ва ишланмалар амалиётга жорий этилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот таъминотида шакллланган ана шу тизимни икки ўзаро боғлиқ бўлакдан иборат деб қараш мумкин. Биринчи бўлаги, бу қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқарида мавжуд бўлган ахборот таъминоти тизими. Унинг асосини республика, вилоят даражасидаги турли ташкилотлар ва муассасалар ташкил этган. Булар қаторига илмий тадқиқот ҳамда лойиҳа институтлари, ҳисоблаш марказлари ва шу кабиларни киритиш мумкин. Иккинчи бўлаги эса корхонанинг ички ахборот таъминоти тизими. Унинг асосини корхона бошқаруви тузилмасига кирувчи бўлимлар ташкил этган. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш кўзда тутилган.<sup>1</sup> Ҳар иккала тизим ўзига хос функция ва вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, улар ўзаро ахборот алмашишга асосланган. Алоқа ва ҳисоблаш техникаларининг ривожланиши ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уларни

<sup>1</sup> Кабулов В.К., Абдуразаков В.А., Зияходжаев М.З. Применение математических методов в хлопководстве. –Т.: Фан, 1974.

узатиш жараёнларини автоматлаштиришни кўзда тутган.<sup>2</sup> Собиқ иттифоқни парчаланиши ана шу режалаштирилган ишларнинг ҳам тўхташига олиб келди. Энди корхоналар учун режали бошқарув тизимида эмас, балки бозор муносабатлари жараёнларида шаклланган, бозор муҳити ҳақидаги ахборотларга зарурият пайдо бўлди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасини, хусусан унинг корхоналарини ахборот билан таъминлаш, иқтисодиёт тармоғи сифатида ўз ривожининг бошланғич bosқичида турибди. Албатта бу борада мамлакатимизда бирмунча тажрибалар тўпланган бўлса ҳам, муаммонинг илмий-услубий асослари бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олиб замонавий ахборот-телекоммуникация тизимлари нуқтан назаридан ишлаб чиқилмаган ва тўлиқ асослаб берилмаган.

Илмий манбаларни ҳамда амалий натижаларни таҳлилни шуни кўрсатадики,<sup>3</sup> қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот таъминоти тизимини (АТТ) яратишда икки йўл бўлиши мумкин. Биринчиси, бу хорижий мамлакатларда мавжуд ахборот-маслаҳат тизим (АМТ)ларини кенг ўрганиб, уларни қайта ишлаб, Ўзбекистон шароити учун ўз тизимимизни яратиш ва иккинчиси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ўз ахборот таъминоти тизимимиз моделини ишлаб чиқиш ва бунда энг яхши чет эл тажрибаларидан кенг фойдаланишдир. Албатта бу ерда иккинчи йўл диққатга сазовордир. Чунки хусусий мулк шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарига бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият олиб бориши учун ахборот таъминоти хизмати суғориладиган деҳқончилик ва мулк ҳуқуқи тамойилларига таянади. Бу эса тизимни доимо ривожлантириб бориш, уни яратиш ва ишлатиш учун қилинадиган харажатларни тежаш имкониятларини беради. Булардан ташқари малакали миллий кадрлар потенциали шаклланади. Шуларни ҳисобга олганда қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот хизмати кўрсатишнинг концепцияси бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикасини ахборотлаштириш концепциясининг узвий қисми сифатида унинг тамойиллари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда қишлоқ хўжалиги ва у билан иқтисодий алоқада бўладиган саноат ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар бошқарувини кўп поғонали ахборот таъминоти тизимини ташкил этиш тамойиллари ва услубий ёндошувлари асосланган.

Ахборот-маслаҳат хизмати тизимлари аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ва ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, даромад ва

<sup>2</sup> Кабулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. –Т.: Фан, 1989.

Узин В.Я. Автоматизация планирования и управления сельскохозяйственным производством. – Кишинев: "Картия молдовенеская", 1978, 118б.

<sup>3</sup> Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Алимов Қ.А., Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш // Академик Фуломов С.С. тадрири остида. – Т.: Фан, 2001. Баутин В. и др. Информационно-консультационная служба АПК: итоги работы, проблемы, задачи // АПК: экономика и управление. –М.: 2001. №3, 6-20б.



харажатлар миқёсини ўрганиш бўйича хизматлар тақдим этади. Бугунги кунда маслаҳат хизмати деганда корхонанинг бошқарув ва ташкилий ривожланиши соҳасидаги мураккаб муаммони ечиш билан боғлиқ бўлган интеллектуал хизмат қилиш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонани бошқариш ва ривожлантириш бўйича мутахассис маслаҳати зарур. Бир томондан бу маслаҳат ва оммавий хизматларнинг кенг мажмуаси бўлса, бошқа томондан – бошқарув ва бизнесни ташкил этишдаги хизматлардир. Шулардан келиб чиқиб диссертацияда бошқарув маслаҳати турлари, гуруҳлари ва уларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан ахборот технологиялари маслаҳати таркиби кенг тадқиқ этилган ва шу асосда республика қишлоқ хўжалик корхоналарини ички ва ташқи ахборот таъминоти тизимини яратишнинг ташкилий тамойиллари асослаб берилган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот таъминоти ташкилотлари ва бошқарув органлари ўқув юртлари, малака ошириш тизими, илмий тадқиқот муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликни таъминлаши ҳамда аниқ бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи талабига тўлиқ йўналтирилган бўлиши зарур;

- ахборот-маслаҳат марказлари мутахассислари, илмий текшириш муассасалари илмий ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари умумий мақсад учун бирлашишлари ва уларнинг ишларини ташкил этишда маслаҳатчи ва илмий ходим, маслаҳатчи ва ўқитувчи вазибаларини қўшиб олиб боришни кўзда тутиш талаб этилади;

- минтақа ахборот таъминоти органлари ходимлари олдига илмий текшириш натижаларини айрим бир ҳудуд шарт-шароитларига мослаштириш ва боғлашни таъминлаш масалалари қўйилади.

Агар республика қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизмати (АМХ) ушбу тамойиллар бўйича мавжуд ишланмаларни замонавий ҳисоблаш техникаларини ишлатган ҳолда янги ахборот технологияларига ўтказса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланади ва тижорат ахборотларини ўзлаштиришга қулай шаклда етказиб бериш таъминланади. Бу ерда албатта ҳал қилиниши зарур бўлган қийинчилик ва муаммолар мавжуд. Улар Республика АМХ марказига узатиловчи маълумотлар базаси (МБ)ни ташкил этиш; АМТнинг жаҳон маълумотлар банки ва базасига киришини таъминлаш; Республика АМХ марказидан вилоятга, кейинчалик туманларга маълумотлар банки ва ахборотларни узатиш каналларини танлаш; молиявий харажатлар масаласини ҳал этишни ўз ичига олади. Диссертацияда ушбу ва шу каби бошқа мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Ахборот-маслаҳат хизмати тизимини яратишнинг асосий шартин - бу тизимга янги ахборот технологияларини қўллаш, етарли қувватдаги компьютер тармоғини ташкил этиш ва ишлатишдир. Бундай тармоқлар ахборотларни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш амалий тизимлари

ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики хорижда ва республикамизда янги ахборот технологияларини яратишнинг назарий ва амалий муаммолари кенг тадқиқ этилган, уларни амалиётга тадбиқ этишга ҳам кўплаб тадқиқотчилар ишлари бағишланган.<sup>4</sup> Аммо, аграр соҳани ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи ахборот технологиялари ва тизимларини яратиш борасида илмий тадқиқот ва амалий ишланмалар деярли амалга оширилмаган. Шунини ҳисобга олиб диссертацияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқарувини янги, янада юқорироқ даражага кўтарувчи янги ахборот технологиялари ва ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва унинг масалаларини ечишга янгича ёндашишни ишлаб чиқиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этишнинг замонавий шакллари ва ахборот ишлаб чиқарувчи, уларни йиғиш, сақлаш, узатиш, тарқатиш ва истеъмол қилиш тармоқлари вазифалари ва фаолият кўрсатиши тамойиллари, ахборотлар оқими ҳаракати таҳлил қилинган. Шулар асосида янги ахборот технологияларини автоматлаштиришнинг ҳозирги босқичида жорий этишни ташкил қилишнинг услубий асослари ишлаб чиқилди ва у қуйидаги ишларни бажаришни кўзда тутди: 1) Корхона автоматлаштирилган иш жойлар (АИЖ) таркибини аниқлаш; 2) қишлоқ хўжалик корхоналари автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ)ни ишлаб чиқиш; 3) асосий таянч АИЖларни аниқлаш, ушбу автоматлаштириш босқичида қўллаш учун ахборот технологияларини танлаш; 4) янги ахборот технологиялари билан қамраб олинган ахборот жараёнлари тўпламини аниқлаш.

Ана шу тарзда яратиладиган автоматлаштирилган тизим ҳар куни, ихтиёрий вақт давомида корхона раҳбари ўз станцияси экранидан ўзини қизиқтирувчи ахборотни олиш имкониятини бериши лозим. Бунга икки йўл билан эришиш мумкин: биринчидан — вилоят марказларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналар учун ахборот таъминоти хизматини ташкил этиш; иккинчидан — қишлоқ хўжалик корхоналарида ички ахборотларни сақлаш ва қайта ишлашни автоматлаштириш, яъни ахборот тизимини яратиш.


Бу икки йўналиш ахборот таъминотини ташкил этиш муаммосини ечишда аниқ боғланган ва ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши керак. Бундай марказларда ахборот хизмати кўрсатишнинг замонавий кўринишларидан фойдаланилади. Марказни ташкил этиш ва илмий-техник таъминотига услубий ёндашишни қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

Марказнинг барча хизматлар кўрсатиш бўлимлари мос функционал вазифаларни ўз зиммаларига оладилар ва минтақанинг ташқи тузилмалари билан алоқа ўрнатадилар. Марказ ичида ахборотларни ишлаш ҳам АИЖларида, ҳам ҳисоблаш марказларида амалга оширилади. У ерда марказ хизмати ва қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуаси (АСМ) корхоналаридан олинган ахборотлар бирлаштирилади ва таҳлил

<sup>4</sup> Глушков В.М. Основа без бумажной информатика. —М.: Наука. 1987. 556. Фуломов С.С., Шермухаммедов А.Т., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. —Т.: Ўзбекистон, 1999. Лутфуллаев Х.С., Абдугофоров А.А., Мирзаев Н. Иқтисодиётда ахборот технологияси ва тизимлари. —Т.: 2001, 1966.

қилинади. Бизнинг назаримизда қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот билан таъминлашда бундай марказлар иш фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Шунини ҳисобга олиб диссертацияда қишлоқ хўжалиги ва бутун АСМ ўртасида (инвесторлар, тижорат ташкилотлари, вазирлик ва маҳкамалар, илмий муассасалар, давлат маълумотлар банки билан ҳам) горизонтал ва вертикал алоқаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарида ички ахборотларни автоматлаштириш телекоммуникация тармоғини яратишнинг стратегик йўналишлари асослаб берилган.

### Вилоят ахборот-маслаҳат маркази ташкилий таркиби



Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида тузилган

1-расм

Бу йўналишлар иқтисодиётда юз бераётган асосий ўзгаришлар ва турли мулк шакли имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга асослангандир ва у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ахборот инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилганлигига эътиборни қаратиш лозим. Бу ерда улар параллел равишда ва ўзаро боғланишда ҳал қилиниши керак. Биз бундай марказ ва унинг асосий хизматларини ташкил этувчи тизимни яратишнинг илмий асосларини тавсия этдик. Шу билан бирга тадқиқотимизда республика қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган корхоналарнинг ахборот таъминотини ташкил этиш масаласига асосий эътибор қаратдик.

Давлат статистикаси маълумотларига кўра 2006 йил бошидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 440 дан ортиқ кооперация тамойилларига асосланган ва шу тоифадаги бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, 125,7 минг фермер хўжалиги ва 4542,7 минг деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу хўжалик юритиш шаклида бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмалари сақланиб қолади<sup>3</sup> ва ривожлантирилади. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда ушбу тоифадаги хўжаликларни фаолият кўрсатишининг институтционал асослари, бошқариш тамойиллари, моделлари ҳамда уларни ахборот таъминоти тизимини барпо этиш масалалари таҳлил этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжаликларни бошқариш ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олври мураккаб тизимга эга бўлишни тақозо этади. Бундай тизимни барпо этиш ўзига хос янги ёндашувни талаб этади. Бу ерда шуни ҳисобга олиш зарурки, кўплаб хўжаликлар, айниқса ширкатлар ташкил этилган даврдан эътиборан самарали фаолият кўрсата олмаган, натижада бундай хўжаликлар истиқболсиз хўжаликлар сифатида ҳукумат қарорлари билан фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Шуларни ҳисобга олганда фаолият юритаётган хўжаликлар бошқаруви ахборот таъминоти тизимини ташкил этиш ва юритиш уларни бозорга мослашувини тезлаштиришга кўмак бериши билан бирга хўжаликни мўътадил стратегик тараққиётини таъминловчи қарорлар қабул қилишни ҳам таъминлаши лозим. Бундай тизим қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар ҳамда хўжалик бошқарув органларининг мустақил қарорлар қабул қилишга мослашувни даврида етарли даражада тайёргарликдан ўтмаган хўжалик мутахассислари ва вилоят (туман) ахборот-маслаҳат хизматлари ўртасида доимий алоқа бўлишини талаб этади. Бу ўзро алоқа ўзгарувчан шароитга мос тезкорликни, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш имкониятини бериши керак. Шу бонс хўжаликларда ахборат йиғиш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва ўзгариш тизими вилоят (туман) ахборот-маслаҳат хизмати билан ўзро алоқадаги фаол хўжалик ахборот тизими (АТ) сифатида лойиҳаланиши, барпо этилиши ва фойдаланилиши керак. Тадқиқотлар объекти сифатида қаралаётган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарув органлари тузилмаси кўп бўғинли ҳисобланади. Бошқарувнинг ҳар бир бўғинида фаолият кўрсатувчи орган ўзига хос функция ва вазифаларни ижро этади ва шу тариқа улар ишлаб чиқаришга таъсир этади ҳамда тегишли қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишда иштирок этади. Шулардан келиб чиқиб биз хўжалик бошқарувида мутахассисларнинг АИЖ таркибида ва унинг асосий таянч қисми сифатида молния-ҳисоб маркази мутахассисларининг автоматлаштирилган иш жойларини асосладик (2-расм).

Тавсия этилаётган тизим вилоят (туман) ахборот-маслаҳат маркази билан узвий алоқада бўлади. Ҳар бир АИЖ маълумотлар базаси ҳамда функционал ҳисоб-китоб бўлакларидан иборат ва улар очик ҳисобланади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 й. 23 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-3226-сонли Фармони.

Бундай ахборот тизими фаол ахборот-маслаҳат хизмати сифатида қуйидагиларни амалга оширади: хўжаликнинг қисқа ва узоқ муддатда эришиши лозим бўлган мақсадларини (ҳосилдорликни ошириш, харажатларни камайтириш, фойда даражасини кўтариш, инвестициялар жалб этиш ва шу кабилар) аниқлаш, тезкор бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш учун жорий ахборотларни йиғиш ва уни қайта ишлаш, хўжалик фаолиятидаги мавжуд кўрсаткичлардан четга чиқишни назорат қилиш, энг зарури — белгиланган соҳаларда оптимал қарорлар қабул қилиш. Ушбу жараёнлар хўжаликни бошқариш тизими фаолиятини қўйилган мақсадларини амалга оширишга йўналтирилиб, режалаштириш, ҳисоб-китоб, назорат, иқтисодий таҳлил, ахборот оқимини такомиллаштириш ва бошқа ишлар синтези сифатида фаолият кўрсатади.

### Фермер хўжаликлари уюшмаси ахборот тизимининг функционал таркиби



Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида тузилган

2-расм


Хўжаликни бошқаришда ахборот тизими ўз ўрнига эга бўлган вилоят (туман) АМХнинг мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланиб, хўжаликнинг кучли ва кучсиз томонларини объектив баҳолаш, шунингдек банкротлик ва кризис ҳолатларини олдини олиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш жараёнларини ахборот билан таъминлайди.

Таклиф этилаётган ахборот тизими фаол ахборот таъминот тизими сифатида икки йўналишни, яъни хўжаликнинг стратегик ва жорий, тезкор мақсадларини амалга оширади. Шу нуқтаи назарда ахборот тизими — бу хўжалик учун ташқи (вилоят, туман) ахборот-маслаҳат тизими хизмати таклиф қилган, қўйилган мақсадларга эришиш борасидаги чора-

тадбирларни бирлаштиришга йўналтирилган хўжаликни бошқаришга имкон берадиган ахборот инфратузилмаси ҳисобланади.

Диссертацияда хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳитни ўрганиш йўналишлари асосланган ва шу асосда фаол ахборот тизимининг функционал қисмлари тавсия этилган (3-расм) ва уларни дастлабки, жорий, якуний назоратни амалга оширишдаги вазифалари кўрсатиб берилган. Маълумки замонавий ахборот технологиялари негизида хўжаликлар ахборот таъминоти тизимини яратиш унинг асосини ташкил этувчи функционал АИЖлари моделлар тизимини ва уларни амалга ошириш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни кўзда тутди. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ янги шароитда фаол АТ моделларини ишлаб чиқишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики ҳар бир ҳолда функционал вазифаларни ҳал этишга ёндашувлар турлича. Бу борада хориж мамлакатларида ҳамда республикаимизда айрим тажрибалар тўпланган<sup>6</sup>.

### Фаол ахборот тизими функционал қисмлари



Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида тузилган

3-расм

Аммо хўжаликлар ахборот тизими функционал вазифалари моделлари ва алгоритмлари ҳамда АИЖни ташкил этишнинг услубий асослари бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олиб ишлаб чиқилмаган ва бу соҳадаги тадқиқот ишлари бугунги кун талабларига мос келмайди. Айниқса, кооперацияга асосланган хўжаликларда (корхоналарда) муассислари ўз мулк улушига эгаллик қилиши ва унга мос равишда моддий рағбат олиш ҳуқуқлари амалда компьютер дастурлари ва ахборотлар етишмаслиги туфайли хўжаликларда бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишлар тўхтаб қолган, бу эса аъзоларнинг моддий манфаатдорлигини пасайтирибгина қолмай, умуман хўжаликлар фаолияти самарадорлигига

<sup>6</sup> Ушаков А. Использование геоинформационных технологий в сельском хозяйстве. WWW.datalus.ru.

Чачин П. Информационные технологии-сельскому хозяйству. WWW.pewtek.ru. Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. -Т.:Фан,1990.

ҳам салбий таъсир этган. Натижада уларнинг кўпчилиги норентабелли, сурункали зарар билан фаолият юритувчи истиқболсиз хўжаликлар бўлиб қолган. Бундан ташқари фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатиш, улар харажатларини ҳозирги мавжуд молиялаш тизимида мониторингини ўказиш ўта муҳим вазифага айланмоқда. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда мулк улушларини ҳисоблаш, дивидендлар тақсимлаш, фермерлар харажатларини мониторинг қилиш жараёнларини ахборот таъминоти тизими доирасида автоматлаштиришнинг услубий асослари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилди.

Кооперация тамойилларига асосланган корхона ва улар бирлашмалари муассислари (аъзолари) улушларини ҳисобга олиш, дивидендлар тақсимлаш жараёнлари амалий жиҳатдан жуда катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлашни ва унга мос маълумотлар базасини ташкил этишни талаб этади. Ушбу жараён алгоритмлари бир неча босқичга бўлинади ва улар муассислар мулк улушларини бирламчи, оралиқ ҳамда натижавий кўрсаткичларини ҳисоблашнинг ва ахборотларни йиғиб бориш босқичларини тўлиқ ўз ичига олади.

Илмий ишда тавсия этилган усул ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган компьютер дастурлари хўжалик ахборот тизими бўлаги сифатида молия-ҳисоб маркази (МХМ) иқтисодчисининг АИЖ таркибига киради ва қуйидагиларни амалга ошириш имкониятини беради: а) Мулк улушлари эгаларини (юридик ва жисмоний шахслар) индивидуал ҳисобини юритиш ва унга зарурий ҳолларда ўзгартиришлар киритиб бориш; б) аъзоларнинг мулк улушлари миқдорини аниқлаш; в) дивиденд учун ажратилган фойданинг бир қисминини мулк эгалари ўртасида тақсимлаш.


Ишлаб чиқилган дастур очиқ ва алоҳида хўжалик (корхона) шароити учун бирламчи ахборот базасини қайта шакллантириш ҳисобига осон мослашади, ундан фермер хўжаликлар уюшмаси молия-ҳисоб маркази иқтисодчиси мустақил фойдалана олади. Компьютер билан таъминланмаган уюшма ёки хўжаликлар учун ушбу тизим вилоят (туман) ахборот-маслаҳат хизмати маркази томонидан амалга оширилиши мумкин.

Фермер хўжаликларини самарали фаолият юритишида шартномаларнинг амалий аҳамияти беқиёс каттадир. Шу боис, фермер хўжаликларида хўжалик механизмнинг асоси, фермер билан тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги маҳсулотлар сотиш ва ресурслар етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар ва харажатларни назорат қилувчи тизимни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда фермер хўжаликлари харажатлари мониторинги тизими тавсия этилган, уни юритиш босқичлари, алгоритмлари ва компьютер дастури ишлаб чиқилди.

Харажатлар мониторинги тизими фермер хўжаликлари уюшмаси молия-ҳисоб марказида ҳар бир фермер хўжалиги сотиб олган моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун қилган сарф харажатлар бўйича ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тегишли ҳисоб-китобларни

олиб бориш учун мўлжалланган бўлиб, ҳар йили йил давомида юритилади (4-расм).

### Фермерлар харажатлари мониторинги тизими ва уни юритиш механизми



### Ахборотлар ҳаракати:

- > Фермер хўжаликлари томонидан қилинган харажатлар ҳисоби
  - - -> Ҳисобга олинган меҳнат ҳақи, моддий ресурслар ва хизматлар ҳаракати
  - > Фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китоб ишлари
- Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида тузилган.

4-расм

Харажатлар мониторинги тизимини юритиш уч босқичда қуйидаги алгоритмлар ёрдамида амалга оширилади.

1. Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар тури миқдори ва суммаси ҳисобланади, яъни

$$B_{ISS_i} = B_{ISM_i} \cdot B_{ISN_i}, \quad i = 1, 2, \dots, n, \quad (1).$$



2. Сарф қилинган моддий ресурсларни миқдори ва қиймати ҳисобланади, яъни

$$S\_MATS_j = S\_MAT_j + S\_MATN_j, j=1,2,\dots,m, (2).$$

3. Бажарилган ишлар ва хизматлар миқдорини шартномада кўрсатилган лимит билан солиштирилади:

$$LIM\_F_i = B\_ISS_i + B\_NOR_i, i=1,2,\dots,n, (3),$$

$LIM\_F_i$  –  $i$ -бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар миқдорини лимитдан фарқи.

4. Қилинган моддий ресурслар харажатини шартномалар асосида бажарилган ишлар ва хизматлар харажатлари билан солиштирилади:

$$LIM\_M_j = S\_MATS_j + S\_NOR_j, j=1,2,\dots,m, (4),$$

$LIM\_M_j$  –  $j$ -моддий ресурсларни бажарилган иш миқдори лимитидан фарқи.

Алгоритмларда қуйидаги шартли белгилар қўлланган:

$B\_ISS_i$ -бажарилган  $i$ -иш тури, кўрсатилган хизмат ва бошқалар қиймати;  $B\_ISM_i$ -бажарилган  $i$ -иш, кўрсатилган хизмат ва сотилган маҳсулотлар миқдори;  $B\_ISS_i$ - улар суммаси;  $B\_NOR_i$ -бажарилган  $i$ -ишни кўрсатилган хизматлар шартномавий ҳажми (лимити);  $n$ -иш турлари ва хизматлар сони;  $S\_MAT_j$ -сарф қилинган  $j$ -моддий ресурсларни миқдори;  $S\_MATS_j$ -сарф қилинган  $j$ -моддий ресурсларни суммаси;  $S\_MATN_j$ -сарф қилинган  $j$ -моддий ресурсларни қиймати;  $S\_NOR_j$ -сарф қилинган  $j$ -моддий ресурсларни лимити;  $m$ -моддий ресурслар турлари сони.

Илмий ишда асосланган мониторингни юритиш механизми ва ушбу алгоритмлар асосида компьютер дастури ишлаб чиқилган. У фермер хўжаликлари уюшмаси молия-ҳисоб маркази, мутахассисларнинг шартномаларни, даромад ва харажатларни, таҳлилий ишларни амалга ошириш функцияларини ўз ичига олади ва бухгалтернинг АИЖ тизими таркибига киради. Ушбу тизим хўжаликлар шароитига маълумотлар базасини тўлдириш йўли билан жорий этилади.

Фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини юритиш тизимини амалиётда жорий этиш қуйидаги афзалликларни беради:

- фермер хўжалиklarини саноат, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларини ўз вақтида бажарилиши ва маблағларни сарф қилиш ҳақида туман хокимиятига, уюшма умумий мажлисига, фермер хўжаликлари раҳбарларига йил давомида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун тўлиқ ва асосланган ахборотлар етказиб бериш;
- уюшма мутахассислари фермерларни шартномалар бўйича қилинган харажатларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақти 2,5-3,0 баробарга қисқартиради;
- фермер хўжаликлари бошқаруви тизимида фойдаланиладиган ахборотлар айланишини тезлаштиради, уларни автоматлаштирилган тизим доирасида такомиллаштиради ва ахборотлар танқислигига барҳам беради;

• фермер хўжаликларида ноишлаб чиқариш харажатларини йўқотиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва кадрларни касбий малакасини ошириш имкониятларини беради.

Диссертацияда тавсия этилган илмий ишланмаларни қишлоқ хўжалигини бошқариш амалиётига қўллаш, тармоқда ахборот таъминотини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришни тезлаштиради ва хўжаликларни рақобат шароитида самарали фаолият юритишига кўмаклашади.

### 3. Хулоса

Бажарилган илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулоса ва таклифлар қилиш имконини беради:

1. Қишлоқ хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар жараёнида хусусий мулкчиликка асосланган турли тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлиши ва шунга мос янги аграр муносабатларни шаклланиши аввал мавжуд бўлган ахборот оқимларини тубдан ўзгаришига олиб келади. Шундай шароитда бозор талабларига мос бўлган ахборот билан хўжаликларни таъминлаш ва ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишнинг янгиланган тизимларини барпо этиш аграр соҳа корхоналарини самарали фаолият юритиши ва бозор муносабатларига мослашувини тезлаштиришда тобора ҳал қилувчи рол ўйнайди ва уларнинг истиқболда ривожланишини белгилувчи асосий омилларидан бири сифатида қараш зарурдир.

2. Замонавий ахборот технологияларини саноат ишлаб чиқариш тармоқлари, маъмурий бошқарув, банк, солиқ ва шу каби бошқа соҳаларда жорий этишнинг илмий-амалий натижалари ва хоризж тажрибалари аграр соҳа корхоналари бошқарув жараёнларини ахборот таъминотини автоматлаштирилган тизимини яратишни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш харажатларини камайтириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини беради.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот таъминоти тизими кўп поғонали бошқарув тузилмаларининг таркибий қисми (ички ахборот оқимларини автоматлаштириш) сифатида ҳамда ташқи ахборот-маслаҳат хизматлари тарзида шакллантирилади. Бундай тизимларни ўзаро ахборот алмашинуви шаклида фаолият кўрсатиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни тўлиқ ахборот билан таъминлаш ва қарор қабул қилиш жараёнларини асосли бўлишига имкониятлар яратади. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда ҳудудий ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш тузилмаларининг ташкилий-функционал тузилмалари ва улар фаолият кўрсатиши тамойиллари, услубий асослари ишлаб чиқилган.

4. Диссертацияда қишлоқ хўжалик коорхоналари фаолиятининг институционал асосларини, бошқарувининг моделларини тадқиқ этиш орқали хўжаликларни ахборот билан таъминлаш тизимининг функционал таркиби, хўжалик раҳбар ва мутахассисларининг автоматлаштирилган иш

жойларини яратиш ва уларни фаолият юритишининг мақсад ва вазифалари, самарадорлиги манбалари асослаб берилган.

Таклиф этилаётган тизим хўжаликлар бошқарувини фаол ахборот таъминоти хизмати сифатида бошқариш фаолияти қўйилган мақсадларни бажаришга йўналтирилади, режалаштириш, ҳисоб-ҳисобот, назорат, иқтисодий таҳлил жараёнларини ва ахборот оқимларини такомиллаштиради.

5. Ахборот таъминоти тизими таркибига кирувчи устивор автоматлаштирилган иш жойлари ва биринчи навбатда автоматлаштирилиши лозим бўлган функционал вазифалари асосланган ва улар бошқарув поғоналари бўйича синфларга бўлинган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кооперация тамойилларига асосланган хўжаликларда мулк эгаларининг ўз улушларига эгаллик қилиш ва унга мос равишда моддий рағбатлар олиш ҳисоб-китоблари ҳуқуқий жиҳатдан катта амалий аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга фермерларга шартномалар асосида хизматлар кўрсатиш, ресурслар сотиб олиш ва шу каби бошқа соҳаларга йўналтирилган харажатларни мониторингини олиб боришга эҳтиёж ошмоқда. Ушбу муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни жойларда узлуксиз амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштиришнинг услубияти, алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари ишлаб чиқилди.

6. Диссертацияда ишлаб чиқилган дастурий воситаларни жойларда амалиётга қўллаш қишлоқ хўжалиги иқтисодчилари ва фермер хўжаликлари уюшмалари бухгалтерия хизмати мутахассисларининг иш вақтини тежаши билан бирга хўжалик аъзоларини моддий манфаатдорлигини ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келади.

7. Диссертацияда асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳудудий ахборот-маслаҳат хизмати ҳамда ички хўжалик бошқарувининг ахборот тизимлари функционал таркибларини вилоят, туман ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарини автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда, мулк улушларни ҳисоблаш, ҳамда фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини олиб боришнинг дастурий воситаларини қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг қуйи поғоналарида, шу жумладан янги ташкил этилаётган агрофирмаларда жорий этиш мумкин.

#### 4. Чоп этилган илмий ишлар рўйхати

1. Тошпулатов Д., Эргашева Ш., Хатамов О.К. Модель выбора оптимальной структуры посевных площадей сельскохозяйственных культур в регионе. //Ж. Аспирани и соискатель. –М.: 2001, №3, 139-140 б.

2. Тошпўлатов Д., Беркинов Б.Б., Хамраҳўжаев Н.Я. Қишлоқ хўжалик кооперативларида мулккий пай эгаларига дивидендлар ҳисоблаш

алгоритми. //«Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари». Республика илмий конференцияси материаллари. –Тошкент: 2002, 179-180 б.

3. Тошпўлатов Д. Меҳнат ва сармоя харажатлари самарадорлигини эконометрик модели. //«Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари». Республика илмий конференцияси материаллари. –Тошкент: 2002, 221-222 б.

4. Тошпўлатов Д., Беркинов Б.Б. Алгоритмизация расчета дивидендов в сельскохозяйственных кооперативах. //Шестнадцатые международные Плехановские чтения. –Москва: 2003, 561-562 б.

5. Тошпўлатов Д., Мирҳомидов Ў., Зулфиқоров И. Ширкат хўжалигида мулкӣ пай ва уни рағбатлантирувчи ролини ошириш масалалари. //«Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган машина қисмларини тиклаш ва чидамлилигини оширишда метал кукунларидан фойдаланиш». Республика илмий-техник конференция материаллари. –Андижон: 2003, 246-249 б.

6. Тошпўлатов Д.Ш. Ишлаб чиқариш ресурсларини тежашнинг муҳим омили – чек тизимини юритиш. //«Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: 2004, 179-181 б.

7. Тошпўлатов Д. Мулкӣ пайларни ҳисоблаш ва дивидендлар тақсимлаш услубиятлари. //Ж.Экономика и класс собственников. №2, 2004, 60-62 б.

8. Тошпўлатов Д. Ширкат хўжаликларида мулкӣ пай улушларини ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти. //Ж. Иқтисодиёт ва таълим. №1, 2005, 111-113 б.

9. Тошпўлатов Д., Мирҳомидов Ў. Ахборот-маслаҳат хизмати. //Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №4, 2005, 4 б.

10. Тошпўлатов Д.Ш., Қўчқаров Х., Яқубжонов С.О. Қишлоқ хўжалик корхоналари ички бошқаруви ахборот-ҳисоблаш тизимининг функционал таркиби. // «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар». Республика илмий-амалий анжуманининг илмий мақолалари тўплами. –Андижон: 2005, 182-185 б.

11. Тошпўлатов Д.Ш. Қишлоқ хўжалик корхоналари ахборот таъминоти тизимидаги муаммолар ва уни ҳал этиш йўллари. // «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар». Республика илмий-амалий анжуманининг илмий мақолалари тўплами. –Андижон: 2005, 185-186 б.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тошпўлатов Дилшодбек  
Шермухаммедовичнинг 08.00.14 – Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва  
технологиялари ихтисослиги бўйича «Қишлоқ хўжалик корхоналари ахборот  
таъминоти тизимининг функционал таркибини ишлаб чиқиш» мавзусидаги  
диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** қишлоқ хўжалик корхоналари, ахборот таъминоти тизими, ахборот-маслаҳат хизмати, автоматлаштирилган ахборот тизими, автоматлаштирилган иш жойлари, фермерлар уюшмаси, харажатлар мониторинги тизими.

**Тадқиқот объектлари:** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизими ва улардаги ахборот алмашинуви жараёнлари.

**Ишнинг мақсади:** қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарувини ахборот таъминоти тизимини яратишнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, унинг функционал таркиби ҳамда дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва синаб кўришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари:** тизимли ёндашиш, ахборот технологиялари, математик моделлаштириш, статистик ва таққослаш усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг илмий янгилиги:** бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ва у билан ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган агроаноат корхоналарига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш муаммосининг моҳияти очиб берилган ва уни асосий шакллари асосланган; замонавий ахборот технологиялари негизида қишлоқ хўжалигида бошқариш жараёнларини автоматлаштириш йўналишлари аниқланган ва тамойиллари ишлаб чиқилган; қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш тузилмаларини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг ахборот таъминоти асослари ишлаб чиқилган; қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришнинг ахборот таъминоти тизимини ва мутахассисларни автоматлаштирилган иш жойларини яратишнинг функционал таркиби ва услуби асосланган; мулк улушларини ҳисоблаш, дивидендларни тақсимлаш, фермер хўжаликлари харажатлари мониторингини юритиш жараёнлари алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва ишланмалар қишлоқ хўжалиги бошқарувини ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатишнинг худудий ҳамда ички хўжалик тузилмаларини ва улар мутахассисларининг автоматлаштирилган иш жойларини яратиш концепиялари ва амалий лойиҳаларини яратишда қўлланилади.

**Тадқиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган бир қатор ишланма ва тавсиялар Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда Андижон вилояти Балиқчи туманининг Пахтакор хўжалиги томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарувининг ахборот таъминоти тизимларини ва мутахассисларни автоматлаштирилган иш жойларини яратиш соҳаларида қўлланилади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Топпулатова Дилшодбека Шермухаммедовича на тему «Разработка функциональной структуры системы информационного обеспечения сельскохозяйственных предприятий» на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.14 – Информационные системы и технологии в экономике

**Ключевые слова:** сельскохозяйственные предприятия, система информационного обеспечения, информационно-консультативная служба, автоматизированная информационная система, автоматизированные рабочие места, ассоциация фермеров, система мониторинга затрат.

**Объекты исследования:** система сельскохозяйственным производством и процессы обмена в них информации.

**Цель работы:** исследование научно-методических основ создания системы информационного обеспечения управления сельскохозяйственными предприятиями, разработка и апробация ее функциональной структуры и программных средств.

**Методы исследования:** системный анализ, информационные технологии, математическое моделирование, статистический и сравнительный метод.

**Полученные результаты и их новизна:** раскрыта сущность проблем оказания агропромышленным предприятиям информационно-консультативных служб в условиях рыночной экономики, а также обоснованы основные формы их осуществления; выявлены и разработаны основные направления и принципы автоматизации процессов управления в сельском хозяйстве, на базе современных информационных технологий; разработаны основы создания информационно-консультативных структур и информационного обеспечения деятельности сельскохозяйственных предприятий; обоснованы функциональная структура и метод создания автоматизированных рабочих мест специалистов сельскохозяйственных предприятий и системы информационного обеспечения управления ими; разработаны алгоритмы и программные средства процессов расчета долей в собственности, распределения дивидендов, а также мониторинга затрат фермерских хозяйств.

**Практическая значимость:** результаты исследования, имеющие практическую значимость, можно применить при разработке концепции и проектов создания региональных и хозяйственных структур, оказывающих информационно-консультативные услуги в управлении сельскохозяйственными предприятиями и создания автоматизированных рабочих мест специалистов сельского хозяйства.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** отдельные результаты исследования приняты для внедрения в практику Управлением сельского и водного хозяйства Андижанской области, а также хозяйством «Пахтакор» Балыкчинского района Андижанской области.

**Область применения:** в сфере создания систем информационного обеспечения сельскохозяйственным производством и автоматизированных рабочих мест специалистов сельского хозяйства.

## SUMMARY

**Thesis of Toshpulatov Dilshodbek Shermukhammedovich on competition of a scientific degree of candidate of economic sciences on speciality 08.00.14 - Information systems and technologies in economy. Subject: on the theme "Development of functional structure of system of information provision of agricultural enterprises"**

**Key words:** agricultural enterprises, the system of information provision, information-consulting service, automated information system, automated workplaces, essotofions farmers the system of expense monitoring.

**Subject of the inquiry:** the system of management agricultural companys in Agro-industrial complex and etc. in farming and process.

**Aim of the inquiry:** research of scientific-methodical bases of creation information system of maintenance of agricultural enterprises management.

**Method of inquiry:** the system analysis, information technologies, mathematical modeling, statistical method.

**The results archived and their novelty:** the essence of problems of rendering information-consulting services to the agroindustrial and agricultural enterprises having with him industrial relativities (connections) in conditions of market economy are covered and their basic forms are proved; directions and principles of automation of management processes in agriculture on the basis modern information technologies are revealed and are developed; the bases of information and the principles of automation; bases of information maintenance of formation and development of structures information-consulting service to the agricultural enterprises are developed; the functional structure and method of creation of the automated workplaces of the experts and system of information maintenance of management of agricultural enterprises are proved; the algorithms and software of calculation processes in property, distribution of the dividends and the expense monitoring in agriculture.

**Practical value:** the recommendations and development results of research can be applied conception and projects in creation of regional and farm structures of rendering information-consulting service for agricultural management and creation of the automated workplaces for expents in the agriculture.

**Degree of embed and economical effectivity:** the results and recommendations of research results can be applied for practical use for Management of a agricultural and water facilities of Andijan area, and also for a cooperative facility "Pakhtakor" of Balykchi district of Andijan area.

**Sphere of usage:** in branch of creation of information main tename system of agricultural enterprises and automation work places for agricultural specialists.

Изланувчи

